

## Қотилини озод қилган Умар



08:35 / 13.04.2020 1479

Мужоҳиддан ривоят қилинади: «Умар ибн Абдулазизга суиқасд уюштирилди. Хизматкори унинг таомига заҳар солган эди. Умар ибн Абдулазиз мени чақириб, «Одамлар мен ҳақимда нима дейишяпти?» деб сўради. Мен «Сеҳрланган дейишяпти», дедим. «Мен сеҳрланган эмасман», деди. Кейин хизматкорини чақириб, «Шўринг қурсин! Нима учун менга заҳар ичирмоқчи бўлдинг?» деди. Хизматкор: «Озод бўлиш учун минг динар беришим керак эди. Ўша пул учун бу ишни қилдим», деб жавоб берди. Умар уни чақириб, хазинага олиб борди ва шунча миқдордаги пулни унга бериб, «Ҳеч ким кўрмайдиган жойдан чиқиб кет», деди».

**«Солиҳлар гулшани» китобидан**